



1932–1933 йилларда Козогистонда содир бўлган очарчилик умумсоюз очарчилигининг бир қисми бўлиб, бу ҳолисонлик сиёсати - «қулақларни синф сифатида йўқ қилиш», коллективлаштириш, марказий ҳукумат томонидан озик-овқат тайёрлаш режаларининг қўпайиши, ҳамда козокларнинг қора молларини мусодара қилиш каби қоралар туфайли юзага келди. Козогистонда бу очарчилик «Голощёкин очарчилиги» деб ҳам аталади.

1925–1927 йилларда таникли большевик раҳбари Ф.И. Голощёкин Козогистон ҳудудида «Кичик Октябрь» номи сиёсатни амалга оширди. Бу қоралар натижасида одамлардан қора моллар ва мулклар олиб қўйилди ҳамда милиция қузатуви остида улар «ўрин топиш жойлари»га юборилди. Қора моллар қолхоз эҳтиёжлари учун мусодара қилинар, лекин уларни боқиш имкони йўқлиги сабабли молларни шу жойнинг ўзида қўйишга мажбур бўлинган. 1933 йилга келиб, 40 миллион бош молдан фақатгина ўндан бири қолди. Бунинг натижасида энг қўп жабрланган козоклар бўлди, чунки қора мол уларнинг ягона озуқа манбаи эди.

1932–1933 йиллардаги очарчилик натижасида козок халқи катта йўқотишларга учради. Очарчилик, унга боғлиқ эпидемиялар ва юқори ўлим даражаси туфайли козоклар 2 миллион 400 минг кишини, яъни умумий аҳолисининг 49 фоизини йўқотди.

Коллективлаштириш даврида Козогистонда 696 хўжалик мусодара қилинган бўлиб, уларнинг 619 таси яшаш ҳудудидан олиб чиқариб юборилган. Улардан 145 минг бош қора мол қортиб олинган. Шунингдек, 114 минг бош мол қолхозларга тақсимланган. Қора моллардан ташқари, 633 та юрт, 475 та уй, 44 та омбор, 534 та бошқа қўшимча

иншоотлар, 108 та плуг, 113 та ёрдак, 248 та ўт ўриш мосламаси ва 1367 та арава мусодара килинган.

Тайёргарлик кампаниялари давомида Козогистонда дехконларга қарши кенг қўламли репрессиялар амалга оширилди: бу даврда 56 498 кишлоқ аҳолиси маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилди, шулардан 34 121 киши судланган. ВКП (б) Бюросининг 1930 йил январь ойидаги ёпик йиғилишида Ф. Голощёкин 1928 йил 1 октябрдан 1929 йил 1 декабргача бўлган даврда суд линияси бўйича 125 кишига ўлим жазоси ҳукми чиқарилгани, ГПУ томонидан эса шу даврда 152 киши қатл килинганини маълум қилди.

1928 йилда Козогистонда барча хўжаликларнинг 2 фоизи коллективлаштирилган бўлса, 1931 йил кузига келиб 122 та ҳудуддан 78 тасида 70 фоиздан 199 фоизгача хўжаликлар умумлаштирилган. Чорвачилик ҳудудларида умумлаштириш меъёрлардан ошиб кетди: 1932 йил февраль ойига келиб Козогистонда 87 фоиз колхозчи ва 51,8 фоиз яқка дехкон ўз чорвасидан буткул айрилган эди.

Чорвачилик беназир даражада зарар кўрди. 1928 йилда республикада 6 миллион 509 минг бош қора мол бўлган бўлса, 1932 йилга келиб улар 965 минг бошга тушиб қолди. Хатто уруш арафасида ҳам, 1941 йилда, колхозлаштиришдан аввалги даража тикланмади — қора моллар сони 3 миллион 335 минг бошга етди. 18 миллион 566 минг бош қўйдан 1932 йилда факат 1 миллион 386 минг бош қолган. Уруш арафасида қўйлар сони 8 миллион бошга яқинлашди. 1928 йилдаги 3 миллион 516 минг бош отдан 3 миллион 200 минг боши йўқ бўлиб кетган — 1941 йилга келиб факат 885 минг бош қолган. Туячилик соҳаси амалда йўқ бўлиб кетган, 1928 йилда 1 миллион 42 минг бош бўлган бўлса, 1935 йилда факат 63 минг бош қолган.

1929–1933 йилларда Козогистон АССРда ОГПУнинг ваколатли ташкилотлари томонидан 9805 та иш кўриб чиқилган ва 22 933 нафар шахсга нисбатан қарорлар қабул қилинган. Уларнинг 3386 нафари олий жазо — ўлимга, 13 151 нафари эса 3 йилдан 10 йилгача концлагерларда қамол жазосига ҳукм қилинган. Қабул қилинган қарорлар партиянинг минтакавий ва ҳудудий кўмиталари томонидан тасдиқланган.

1929–1931 йилларда Козогистонда 372 та кўзғолон содир бўлган бўлиб, унда 80 мингга яқин киши иштирок этган. Сузакистон, Шемонайха, Қазали ва Мангистау каби ҳудудларда кишлоқ кўзғолонлари таникли бўлиб кетган. Кўзғолонлар аҳолининг республикадан, жумладан чет элларга қўчиб кетишига сабаб бўлган. 1930 йил бошидан 1931 йил ўртасигача 281 231 кишлоқ хўжалиги Козогистон ҳудудидан қўчиб кетган. Совет ҳукуматидан қочган аҳолининг кўп қисми Хитой, Эрон ва Афғонистонга ўтган. Очарчилик йилларида 1 миллион 130 минг киши республикадан чиқиб кетган бўлиб, 676 минг киши доимий равишда кетган, 454 минг қозоқ эса кейинчалик Ватанга қайтган. Регуляр қўшинлар ва ОГПУ органлари томонидан исёнчиларга қарши қаттиқ жазо тадбирлари амалга оширилган. 1929–1931 йилларда йирик кўзғолонларда иштирок этгани учун факат ОГПУ томонидан 5551 киши судланган, шулардан 883 нафари қатл қилинган.

Шундай қилиб, 1932–1933 йиллардаги очарчилик Козогистонни вайрон қилди ва унинг

бутун жамияти ва катта худудини тубдан ўзгартирди.

Республикада туб аҳоли сезиларли даражада камайди, ўринларига эса ўрислар олиб келиб жойлаштирилди.

Абу Муслим